

Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам ўзларининг бир хадиси шарифларида: «Ўлганларингизнинг яхшиликларини ёдга олинг, уларнинг ёмонликларини айтишдан тийилинг», деганлар (Абу Довуд ва Термизий ривояти). Бу набавий кўрсатма асрлар оша мусулмон умматининг ахлоки бўлиб келган ва ушбу хадисга биноан уламоларимиз вафот этган мусулмонларнинг яхшиликларини эслаб, ёмонликларини сўзлашдан тийилиш мусулмонлик бурчи ва ўтган мусулмоннинг ҳаққидир, деганлар.

Куни кеча Ўзбекистон Каҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов фаний дунёдан боқий дунёга сафар қилди. Марҳумнинг ҳақиқа жаноза ва тиловатлар адо этиб, хайрли дуолар қилиб қайтдик. Аллох у кишининг Ўзига бўлган иймонун ибодатларини, барча яхши амалларини ўзларига ҳамроҳ қилиб, камчиликларини фазлу қарами ила мағфират айласин!

Мазкур хадиси шарифга кўра марҳумнинг ҳаққаридаги айрим хотираларимни сиз азизлар билан баҳам кўргим келди.

Эркин Воҳидов ҳақиқатан ҳам халқнинг ҳақиқий виждони бўла олган, мустабид тузум даврида ҳам жасорат билан ўз элини уйғокликка чорлаган даҳолардан эди. У киши ўзбек адабиётида кескин бурулиш ясаган, уни бойитган, мумтоз шеъриятимизни замон руҳида қайта жонлантирган чинакам халқ шоири эди. Айниқса, «Инсон» ва «Ўзбегим» касидалари ўзбек халқининг мадҳиясига айланганди. У киши юртнинг озодлиги, халқнинг хуррияти учун гоҳий қураша билган, мустикаллик пойдеворида заррин гиштлар ўрнатган санокли адибларимиздан эди. Зеро, у киши диёнатимизнинг зилол булогидан сув ичган иймонун эътиқодли инсон, ўзбекнинг чин ўғли эди.

Устозимиз Шайх Муҳаммад Содик ҳазратлари: «Адабиёт ҳамиша халқдан бир қадам олдинда, бир поғона баландда бўлиши ва одамларни олдинга, юксаклик сари етаклаши керак. Миждозбозлик, чаппаквозлик қилиб, оддий одамларнинг савиясига тушиб қолиш ярамайди», дердилар. Эркин Воҳидовнинг ижоди мана шу таърифга чин маънода ҳаққ эди. Айниқса, халқнинг дардини қуйлаб, уни сергақ торттириб, унга панд-ўғит қилиб битган сатрлари беназир ва бетакрордир. Афсуски, бугун биз бундай шоирларни тополмаяпмиз.

Маҳалла фаолларининг гувоҳлик беришларича, Эркин Воҳидовнинг ташаббуси маҳаллада жуда ҳам шинам бир масжид бунёд этилган экан. Бу ҳам у кишининг қалбидаги иймон гавҳарининг нишонаси, албатта. Аллох Ўз даргоҳида қабул қилган бўлсин!

Эркин ака билан кўп учрашмаган бўлсам-да, ўша санокли суҳбатларимизда у кишидан тинглаганларим ўчмас ёднома ўларок хотирамда сақланиб қолган.

У киши ёш талабалик чоғида Тошкентдаги тоғасининг уйида истикомат қилган экан. Тоғаси эътиқодли, ибодатли ва маърифатли киши бўлиб, замонанинг буюк олими, юртнинг жонқуяр фарзанди Алихонтўра Соғуний раҳматуллоҳи алайх билан кадрдон экан. Шу боис, Алихонтўра раҳматуллоҳи алайх тоғанинг хонадонига келиб, меҳмон бўлар, у ерда қизгин илмий суҳбатлар кечар экан. Эркин Воҳидовнинг замона шоирларидан асосий фарқи – у киши Ҳазрат Навоий раҳматуллоҳи алайхдан кўп илҳомланган ва таъсирланган эди. Иждоғларидан Навоийнинг «бўй»и шундоқ анқиб турарди. Бир гал Эркин ака ана ўшандай навоийнамо газал битибди-ю, уни тоғасига кўрсатибди. Тоғаси газалнинг бир байтидан жуда завқланиб, уни Алихонтўрага айтиб берибди. Олим ҳам бу дур байтга қатта баҳо бериб, унинг ички маъноларини мулоҳаза

килар экан, уни ирфоний шаклда шархлаб кетибди. Даврага шоирнинг ўзини ҳам таклиф қилишган экан, ёш йигит мезбон ўларок тоғасининг ёнида ўтириб, берилаётган шархларни тинглаб бироз таниркабди. Ўзи нима қилиб кўйганини билмаган шоир талаба тоғасига аста пичирлаб: «Тоға, лекин мен бунчалар чуқур маъноларни ўйламаган эдим», дебди. Шунда тоғаси: «Жим ўтир, ёш бола нимани билардинг?! Аллох калбингга солган, ёзгансан, маъносини мана бундек олимлар чақади, сен қаёқдан биласан?!» деган экан. Хакикатан, шеърнинг шунақаси ҳам бўлади.

Эркин ака айтади: «Бир-иккита амалдорлар билан Сочига (ёки Кисловодскига) дам олгани боргандик. Оёғи огрийдиганларни сиххатгоҳда хар куни эрталаб соат еттида машк қилдиришади. Машклар худди намозни эслатади, тизалаб юрилади. Биз ўша машкни қилиб турсак, бир отахон келиб, кўлини кўланка қилиб деразадан караб: «Шунинг ўрнига намоз ўқишсанг бўлмайдами, апандилар?» деган эди».

У кишининг лутфларидан яна бир намуна: «Авваллари Андижонга борсак, «хожи ака» деса, маълум бир одам тушуниларди. Хозир эса бошқача:

– Хожи акам кўринмайдилар?

– Ха, хожи акам хожи акам билан бирга хожи акамни кўргани кетиб қолибди».

Бунга ўхшаш зарофатли гаплар у кишида жуда кўп экан. Ўзлари жуда ҳам камтар, дилбар инсон эди.

У кишининг тажрибаларидан: «Авваллари шеър ёзсак, шошилиб дарров чиқариб юборарканмиз. Хозир эса илхом келганда ёзиб, бир четга ташлаб қўяман. Бир муддат ўтиб шеърлар анча тўпланиб қолганда уларни бир четдан кўриб, яхшигина таҳрир қилиб, яна тортмага тахлаб қўяман. Кейин яна бир вақтини қилиб бир қур қайта кўриб чиқаман. Шу зайдда шеърларим «тугилган»дан сўнг бир неча «ёшга тўлиб» халқнинг қўлига етиб бормокда».

Шундок кўз ўнгимда. Хазрат Навоийнинг ижодларига доир «Навоийдан чу топқайлар навое» номли китобчамизни устоз Эркин Воҳидовга: «Фикр-мулоҳазаларингизни айтсангиз, камчиликлари бўлса, бажонидил тўғрилар эдик», деб узатдим. Китобнинг муқовасида «Алишер Навоий» деган ёзув турарди. Шунда адиб ажойиб эхтиром кўрсатди: ўрнидан кўзгалиб, Хазрат Навоийнинг номларини ўпиб, китобни кўзларига, пешонасига суртди. У кишидаги улугларга бўлган бу қадар гўзал одобни кўриб, тўғриси, таҳсинлар айтиб, тўлқинланиб кетдим. Эркин акага шеър у нафосатдан берилган насиба бекорга эмаслигини, «Замонамиз Навоийси» деган унвон бежизга муяссар бўлмаганини тушунгандек бўлдим ва Хазрат Навоийга бўлган мухаббат туйғулданми Эркин акага бўлган мухаббатим ҳам зиёда бўлди.

Аллох таоло марҳум шоиримизни Ўз раҳматига олиб, жойларини жаннатдан қилсин! Элимиз ичидан мумтоз адабиётимизга жон бахш этадиган, халқнинг дардига малҳам бўладиган хақиқий шоирлар яна чиқишини насиб айласин!

Шу ўринда яна бир бетакрор шоиримиз марҳум Мухаммад Юсуфнинг қуйидаги тўртлиги ёдимизга тушади:

Ўлса ўзи ўлар, сўзи ўлмайди,
Хаамиша барҳаёт насл шоирлар.
Хақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.

Хасанхон Яхё Абдулмажид
1.06.2016